# ОЛАМНИ НАФОСАТГА БЕЗАЙДИ НАВРЎЗ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 32 (9.376) 2000 йил 17 март, жума ◆ Сотувда эркин нархда




*Ўзида миллий қадриятларимизни жамулжам этган, қалбларимизга ўзгача шукуҳу хонадонларимизга файзу тароват олиб келувчи байрамимиз Наврўзга ҳам саноқли кунлар қолди. Наврўз — умумхалқ байрамида шаҳримизнинг марказий ва гавжум кўчалари, шодиёналар ўтадиган майдонлар қандай кўринишга эга бўлади? Биз шундай савол билан шаҳар бош рассоми Рафаэл Юсуповга мурожаат қилдик.*

— Шодлик ва бахтиёрлик, меҳр-муҳаббат байрами — Наврўзга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар комиссияси биз, рассомлар зиммасига ғоят масъулиятли вазифа — тантаналар дебочаси бошланадиган Алишер Навоий номидаги Миллий боғни, шаҳар майдонлари, шоҳкўчалари, хиёбонлари, сайилгоҳларни ўзига хос ва ўзгача бир руҳда безатишни топширди.

2000 йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилингани боис, тайёрланган кўпгина ишлар ва паннолар ушбу қутлуғ санага бағишланган.

Мустақиллик, Хадра, Мирзо Улуғбек, Халқлар дўстлиги майдони, Сайилгоҳ, Амир Темур хиёбони ўзгача байрамона безатилиб, кўпроқ яшил ва мовий ранглар билан жилоланган. Ушбу ранглар рамзий маънода — яшариш ва янгиланиш, баҳор, кўм-кўк табиатни ўзида мужассамлантиради.

Шаҳар кўча ва хиёбонларига байрам руҳини бағишловчи чизмаларни рассом Солижоновлар оиласи чизган. Бу расмларда асосан миллий халқ урф-одатлари, қадриятларимиз ўз ифодасини топган.

Тасвирий композицияларда давлатимизнинг кўп асрлик тарихи ва маданияти, бугунги кун нафаси акс эттирилган. Масалан, Халқлар дўстлиги майдони улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёра» асари асосида безатилди. Мустақиллик майдонида эса рассомлар бўлиб ўтадиган байрамнинг бутун маъносини хилма-хил сержило бўёқларда акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Баҳорнинг обҳавоси ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб ўз ишларида сув тегса ҳам ёйилмайдиган мойбўёқ ва унинг қўшимчаларидан фойдаланганлар.

Бу ишларни амалга оширишда «Рассом» ва «Безаш» ижодий корхоналарининг моҳир рассомлари, мутахассислари астойдил меҳнат қилдилар. Тайёр бадиий-безакли паннолар ўрнатилди.

Байрам кунлари тунги Тошкент жамолини нурафшон этувчи ранг-баранг чироқлар, хилма-хил жилоланувчи фавворалар шаҳримиз хуснига яна ҳам хусн қўшади. Бундай гўзал манзара «Тошшаҳарнур» корхонаси хизматчиларининг меҳнатлари маҳсулидир.

*Тараддуд*

## КЎРГАН КЎЗНИ ҚУВНАТАДИ

**Суҳбатдош Шоира МУҲАМЕДОВА.**

*Ободонлаштириш ойлиги*

## ПУХТА РЕЖА АСОСИДА

*Шу кунларда шаҳримиз маҳаллаларида тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлигини кўнгилдагидек ўтказиш, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, қаровсиз ерларни боғларга айлантириш мақсадида Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.*

— Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш борасида жамғармамиз ҳам пухта режалар асосида ишларни бошлаб юборди, — дейди Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоев. — Жумладан, Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси раёсатининг қарорига асосан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш бўйича ҳайъат таркибини туздик ва барча ишларни ўзаро ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Энг муҳими, маҳаллаларда оилалар, кўчалар, кўп қаватли уйлар ўртасида озодалик, санитария, тозалаш, кўкаламзорлаштириш юзасидан "Маҳалла" жамғармасининг соврини учун кўрик-танлов ўтказмоқдамиз. Кўрик-танлов Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 17 июндаги пойтахтда "Маҳалла куни" тадбирини ўтказиш тўғрисидаги 217-сонли қарорида эълон қилинган Низом асосида "Намунали маҳалла" йўналиши бўйича ўтказилмоқда.

Унда танлов ғолибларига битта биринчи ўрин учун 100 минг сўм, битта иккинчи ўринга — 60 минг сўм, битта учинчи ўринга эса 30 минг сўм мукофот берилади. Шунингдек, 10 минг сўмлик рағбатлантирувчи мукофот ҳам кўзда тутилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўрик-танлов шартлари пухта тайёрлангани учун ойлик ҳам самарали равишда бошланди, маҳаллалар қиёфаси тобора гўзаллашиб баҳорий тус олмоқда.



Зеро, режага кўра ойлик давомида умумшаҳар экологик шанбалиги уюштирилади. Кўрик-танлов шарти бўйича маҳаллаларда "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирларининг биринчи босқичи ўтказилади. Шунингдек, ободонлаштириш ишларини олиб бориш юзасидан ҳар бир кўча, ҳар бир ҳовли, кўп қаватли уй хонадонлари билан келишилган режалар бўйича умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, барча фуқаролар жалб қилиниши, мевали дарахт ва гул кўчатларини ҳашар йўли билан ўтқазиш, маҳаллаларда оқава сув ва ирригация ариқларини тозалаш, қабристонларда шанбаликлар ўтказиш, болалар майдонларини тозалаш кўзда тутилмоқда.

**Даврон ИСАЕВ.**

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига муборак Қурбон ҳайити муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан, халқаро ташкилотлардан самимий дил изҳори билдирилган қутловлар келмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Банк, бюджет ва молия масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифаларни амалга ошириш учун банк тизими меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мавзусига бағишлинган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Қаршида иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш, Қашқадарё вилоятида баҳорги дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида бўлиб ўтган республика семинар-танлови «Тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги» мавзуига бағишланди.

● Наврўз айёми арафасида очиқ турдаги «Наманган экстракт ёғ» акциядорлик жамиятида тайёр маҳсулотларни қуядиган янги технологик линияни ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда.

● Шўртан газ-кимё мажмуида мазкур комплекс қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссиянинг йиғилиши бўлди.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида қадимий байрам — Наврўзга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

● БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ўтказилган семинарда ахборот марказларининг фаолиятига доир масалалар қараб чиқилди.

● Сергелидаги илмий-техника марказида иқтидорли болаларнинг анъанавий слёти ўтказилди.

● Наманганда раҳбарлар ўртасида теннис турнири ўтказилди.

## ЖАҲОНДА

● **Кеча** Украина Президенти Леонид Кучма ташриф билан Бокуга келди. Унинг Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев билан олиб борган музокаралари энергетика ва транспорт соҳасида ҳамкорлик масалаларига бағишланди.

● Туркманистон Бош вазирининг ўринбосари Р. Сапаровнинг Беларусга қилган ташрифи ва унинг республика раҳбарияти билан учрашуви чоғида Туркманистонга 2 мингта беларус тракторларини етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланди.

● **Кеча** Москвада ўтказилган МДҲ мамлакатлари мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида халқаро терроризмга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

● Лондонда Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаевнинг гастроллари катта муваффақият билан ўтди.

● Жаҳон ахборот маҳкамаларидан берилган хабарларга қараганда «1-рақамли террорчи» Усама бин Ладен буйрак хасталиги сабабли ўлиш ҳолатида ётибди. Ушбу хасталикнинг зўрайиши боиси Ғарбдаги махсус хизматларнинг Усама бин Ладенни бир мунча заҳарлашга эришганлиги билан изоҳланмоқда.

● Россия Федерациясининг Саратов вилоятидаги нефть омборларида бир неча кундан бери рўй берган ёнғин оқибатида қарийб бир миллион доллар қийматида зарар кўрилди.

● Россия Федерациясининг бориш қийин бўлган ҳудудларида Россия Президенти сайлови бўйича овоз беришлар бошланди. Бу жойларга бюллетенлар вертолётлар ёрдамида олиб борилмоқда.

● Ашгабатда ўтказилаётган нефть-газ мажмуига бағишланган конференцияда шов-шувли хабар эълон қилинди. Аниқланган маълумотларга қараганда Каспий денгизининг туркман шўъбасидаги нефть заҳиралар кўзда тутилганидан икки баробар кўп экан.

● Покистон ҳарбий ҳукумати ҳокимият эгалланганидан сўнг биринчи марта сиёсий иш ташлашлар, кўчага чиқиб норозилик билдиришлар ва намойишлар ўтказишни тақиқлади.





*Наврўз байрамига ҳар бир жамоа, ҳар бир эзгу ниятли инсон ўз тадоригию туҳфаси билан келади. Шу боис ҳам пойтахтимиздаги кўплаб жамоалар қаторида фаолият кўрсатаётган "Суфра" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари байрам супрасини кенгроқ очдилар.*

*Ҳиммат*

## БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Ҳамшаҳарларимиз ва мамлакатимиз аҳолиси дастурхонига 20 хилдан ортиқ ширин-шакар озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаб бераётган жамоа аҳли Наврўз байрами арафасида икки турдаги янги маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Таркибига Ўзбекистонда етиштирилган мевалар бўтқаси қўшилган "Баҳор" печеньеси ва мармеладнинг янги тури ихчам ва бежирим қадоқланиб харидорларга тортиқ этилди.

— Байрамни жамоамиз аъзолари кўтаринки меҳнат кайфияти билан кутиб олмоқдалар, — дейди қўшма корхона директорининг ўринбосари Фурқат Меликулов. — Чунки америкалик ҳамкорларимиз ўзлари киритган сармояси миқдорини 120 минг долларга кўтарди. Бунинг натижасида корхонамизга Италиядан янги қадоқлаш ускунасини, яъни зарли қадоқлаш линиясини келтириб ўрнатамиз ва қўшимча 10 та ишчи ўрни яратамиз. Тез кунларда бу режамизни амалга оширамиз.

Айни кунларда бозор ва харидор талабларини ўрганаётган тадбиркорлар ўз маҳсулотларини 140 граммдан бир килограммгача қадоқлаб савдо шохобчаларига жўнатмоқдалар. Кунига 4 тоннадан ортиқ сифатли ва мазали, рақобатбардош маҳсулотлар аҳоли дастурхонини безашда муҳим ҳисса бўлмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**



*СУРАТЛАРДА: "Маҳсулотларимизнинг таъми оғзингизда қолади", — дейди қадоқловчи Сабоҳат Соатова; оператор Баҳром Исломов ўз ишининг устаси.*

**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

*Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳаракатда*

## МУҲИМИ — САМАРАДОРЛИК

*Илгари хабар бериб ўтганимиздек, Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича тегишли қарор қабул қилган эди.*

Ана шу ҳужжатдаги қоидаларни амалга ошириш доирасида махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилган, бу гуруҳлар ўзининг дастлабки кенгашларини ўтказган эди. Куни кеча шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгашининг шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалилов ўтказган навбатдаги мажлисида ишчи гуруҳлари ўтказган кенгашларнинг якунлари муҳокама этилди.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, ўтган қисқа муддат мобайнида тадбиркорлик тизимлари фаолиятини ташкил этишда ижобий натижаларга эришилди, жумладан тегишли идораларга ҳисобот ҳужжатларини тузиш ва юбориш жараёни бир мунча соддалаштирилди. Шунингдек, текширувлар тизимида ҳам қатор ижобий натижаларга эришилди. Банк ташкилотлари билан кичик ва хусусий тузилмаларнинг ўзаро шериклик муносабатлари механизми ҳам секин асталик билан йўлга қўйилмоқда.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг мустаҳкам механизмини яратиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида сўз борар экан, мажлисда сўзга чиққанлар оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрнини алоҳида қайд этдилар. Оммавий ахборот воситалари билан доимий алоқалар ўрнатиш, матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение эшиттиришлари ва кўрсатувларида энди иш бошлаётган тадбиркорлар учун махсус ўқув курсларини жорий этиш, бу ишга тажрибали тадбиркорларни, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари фаолиятига даҳлдор бўлган турли махсус бирикмаларни жалб этиш ҳақида фикр билдирилди.

*Қадриятларимиз*

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА МУРУВВАТ БАЙРАМИ

**КЕЧА** *меҳр-оқибат ва мурувват байрами ҳисобланмиш Ийд ал адҳа, яъни Қурбон ҳайити бутун ислом оламидаги каби бизнинг юртимизда, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида ҳам зўр шодиёналар, файзу баракот ила кенг нишонланди.*

Ҳали қуёш бўй кўрсатмасдан туриб эрта тонгданоқ мўмин-мусулмонлар ёруғлик, барака ва ҳосилдорлик рамзи ҳисобланмиш атрофни қоплаган оппоқ қор, юртимизда ҳукм сураётган тинчлигу осойишталикка шукроналар қилиб, покланиб, янги ва тоза кийимлар кийиб такбиру ташриқлар айтган ҳолда жомеъ масжидлари томон йўл олишди. Бошқа масжидлар каби шаҳримиздаги "Тилла шайх" жомеъ масжиди ҳам пойтахтнинг турли гўшаларидан келиб Ҳайит намозини шу ерда ўқишни ният қилган мусулмонлар билан гавжум бўлди. Аҳли жамоат билан бомдод намози ўқилгач, "Тилла шайх" жомеъ масжидининг имом хатиби Кариммулла қори Иномов Қурбон ҳайити ва қурбонлик маросимининг фазилату хислатлари, савоблари тўғрисида тўхталди, тинчлик-осойишталикнинг бардавом бўлиши, мустақил мамлакатимиз ривожи йўлида ўз сайъ-ҳаракатларини аямаётган Юртбошимиз ҳақига дуолар қилди, барчага соғлик-омонлик ва сиҳат-саломатлик тилаган ҳолда ҳожиларимизнинг ўз амалларини мукаммал адо этиб, она юртларига эсон-омон қайтишларини яратгандан сўради.

Икки ракат ҳайит намози ўқилгач, барча мусулмонлар бир-бирларини очиқ чеҳра билан "Ҳайитингиз муборак бўлсин!" дея қутлашди. Қурби етган кишилар атаган жонлиқларини қурбонликка сўйиб, гўштларини қўни-қўшнилари, етим-есир ва мискинларга эҳсон қилишди. Ёши улуғ кексалар, беморлар, қариндош-уруғлар йўқланиб, уларнинг кўнгиллари хушнуд этилди, болаларга ҳайитликлар берилиб, суюнтирилди. Ҳайит байрами билан боғлиқ бўлган яна бир ажойиб удум — янги келин тушган хонадонларда ўзбекона лутфу жозиба ила келин саломи маросимлари адо этилмоқда.

Аллоҳ таоло Қурбон ҳайити кунларини барчамиз учун муборак қилиб, унинг савобидан баҳраманд бўлишлигимизни насиби рўзи айласин.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ.**

*Назорат инспекциясида*

## ҚАРЗЛАР ҚАЧОН УЗИЛАДИ?

*Шайхонтоҳур тумани назорат инспекциясининг 2000 йилнинг биринчи ярмидаги асосий иш йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳудуддаги 12 та корхоналарда туман меҳнат бўлими ходимлари билан биргаликда ўрганиб чиқилди.*

Ўрганилган барча корхоналарнинг ойлик иш ҳақидан қарзлари мавжуд бўлиб, уларнинг жами 36916 минг сўмни ташкил қилади. Шулар жумласидан: «Ўзсувқурилиш» концернининг умумий қарзи 4740,2 минг сўм бўлиб, 90740 сўми ҳамда ОТАЖ «Геолавтотранссервис» корхонаси 1967,6 минг сўм миқдоридаги ишчи ва хизматчиларнинг ойлик иш ҳақлари 1999 йилнинг ноябрь ойидан бери тўланмаган. Ваҳоланки Ҳукумат қарорига биноан 1999 йилнинг 1 декабрига қадар барча ойлик иш ҳақидан қарзларнинг бартараф этилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсан раҳбарларига юклатилган. Шунингдек, «Тошлойиҳа» институти 4955,8 минг сўм, 12-қурилиш трестига қарашли 65-сонли қурилиш бошқармаси 6900,6 минг сўм ҳамда шу трестга қарашли «Бетон қоришма ишлаб чиқариш» бошқармаси 1334,2 минг сўм декабрь ойидан бери ойлик иш ҳақларидан қарздорлиги ҳамда ГГП «Қизилтепагеология» корхонаси 5890 минг сўм, «Ўздавсувлойиҳа» институти 5779,5 минг сўм, ОТАЖ СУПНР корхонаси 3200,4 минг сўм, КГЭЭ ГПП «Қизилтепагеология» корхонаси 2187,4 минг сўм, 159-қурилиш трестига қарашли 53-қурилиш бошқармаси 1952,2 минг сўм ойлик иш ҳақларини ишчи-хизматчиларга ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари аниқланди.

Юқоридаги масала назорат инспекцияси йиғилишининг муҳокамасига олиб чиқилиб, унда қабул қилинган қарорга асосан 2 та корхонанинг ўрганиш ҳужжатлари тегишли чора кўриш учун туман прокуратурасига ҳамда меҳнат бўлимига Меҳнат кодексининг 154, 161-моддаларининг талабларини қўпол равишда бузганликлари ва директив ҳужжатларни бажаришда йўл қўйган хато-камчиликлари учун ўрганилган корхона раҳбарларига чора кўриш тавсия этилди.

**Ҳикматилла ШУКУРОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари,**
**назорат инспекциясининг раҳбари.**

Донишмандлар хазинасидан

# ҲОТАМНИНГ ИККИНЧИ САФАРИ

**(Охири. Боши газетанинг 6,8,9,12,21,24,27,29-сонларида).**

Энди икки калима сўзни Ҳусния бону саволидин эшитинг.

Ҳотам Ҳусния бону саволига жавоб топмоқ учун олло таоллодин мадад тилаб даштсаҳроларни, шаҳар ва қишлоқларни сайр айлаб, бир дам ором олмасдин тараддудлар айлар эрди. Ногоҳ бир дарёга етишди, дарё лабидан юриб, тамошо қилиб борур эрди. Дарё яқинида бир қўрғонни кўрди. Ул қўрғонни тамошо қилиб, бир улуғ дарвозага етди, хўб нигориндур, пештоқига бул байтни битибдурким «Яхшилиқ дажлагаки (дарёга) қил жондин, ажрини ҳақ берур биёбондин». Бу асрорни кўриб саждайи шукрона айлади. Ғуломгардишга кириб эшик қоқди. Эрса бир заррин камарли ғулом чиқди, кўрдиким, мусофир келибдур. Меҳмонхонага олиб кириб ўлтирғизди, зиёфатни ҳаддин оширди. Замони ўтиб эрди яна дастурхон солинди, гуногун таомлар қўйилди, бир марду мўйсафид кириб келди. Ҳотамға марҳабо айлаб, салом берди. Ҳотам ҳам бул тавозеъга муносиб жавоби салом қилди. Таомдин фориғ бўлғондин сўнгра дедиким, эй навжавон қайдин келурсиз ва қаёнга борурсиз, бундай пиёда юрмакдин муддаолари нимадур? — деди. Ҳотам бошдин-оёқ саргузаштини баён айлади. Етти саволи Ҳусния бонуни аслини билиб келурга мутасадди бўлғонини айтди. Иккинчи савол учун чиқиб эрдим, бу кун ул саволни сизнинг дарвозангизда битиклик кўрдик. Бу сўзнинг аслини менга баён айланг, то мен икки саволдин ўтиб, учинчи саволга қадам қўйсам ажаб эрмас — деди. Агар менинг асли насабимдин сўрасалар — Ҳотам ибн Тай шоҳ Яманийдурмен, жонимни оллоҳ таоллонинг йўлида муҳтожлар учун фидо қилғондурмен, — деб, сўзини бу навъ анжомға еткурди. Ул мард мундоғ ҳикоя айладиким,мен аввал замонда қароқчилардин эдим, ишим доим ўғрилик эрди, андак касб ҳам қилур эрдим. Ул касбнинг пулидин ҳар куни икки нон олиб дарёга ташлар эрдим токи жондорлар еб, менинг ҳақимга дуо айлагайлар — деб, умир ўткарур эрдим. Қазоро, бир касалга чалиндим, ҳалок бўлурға яқин етдим, беҳуд бўлдим. Бул бехудликда икки навжувон, озода соҳиб жамол йигитларни кўрдим, салом айладилар. Дедиларким бизларни танирмусиз, бизлар ул нондурмизким дарёга ташлар эрдингиз. Энди ёрдамға келдик — деб, кўзимға ажойиботларни кўрсатдиларким, бул ёмон ишларинга тавба қилғил, оллоҳ таоллони амрини айлаб, ризосини истағил, художўй бўлғил, насибалар ғойибдин етар — деб, ғойиб бўлдилар. Кўзимни очиб боқсам, касалимдин сиҳат бўлибдурман. Астойдил тавба қилдим, худойи таоллони гувоҳ айладимки мин баъд ёмон ишларни қилмағайман — деб. Яна икки нонни дарёга ташлаб келурга бордим. Нон ташлайдирғон еримда, дарёнинг лабида анча тиллолар бордур, кўриб ҳайрон бўлдим. Мабодо нарёда кема ғарқ бўлиб, бировнинг накдинасидин тўкилиб қолғон бўлғай, шояд эгаси пайдо бўлса топширурман — деб, олиб келдим. Эртаси яна нон олиб бордим, яна ўшанча тилло бордур, яна олиб келдим. То ўн кунгача шул тариқа бўлди, кўп ҳайратда қолдим. Кечаси тушимда ул икки нодир йигитлар дедиларким, ўл дунёлар ғойибдин насибадурким, ҳалолдур, то ажал куниғача ҳар куни дарёдин мунча атолар сенга етар. Бу дунёларни заҳира айлагил фисабилилло сарф айлагил деб, ғойиб бўлдилар. Ушбу иморатлар ва фаррошлар, ғуломлар ҳаммаси ул атойи илоҳийдин, ҳамиша эҳсон айламакда дарвозам очиқ, қўлим бекор эмасдур, то ҳало ҳар куни дарёга икки нон ташлаб, насибани олиб келиб, муҳтожларга сарф айларман — деб, ҳикоясини бу ерга еткуриб — дедиким, шу сабабдин дарвоза пештоқига ушбу байтни битиб қўйдим. Байт: «Яхшилиқ дажлағаки қил жондин, ажрини Ҳақ берур биёбондин». Ул пир сўзларини тамом айлаб, уч-тўрт кун Ҳотамни зиёфатлар айлаб хушнуд қилди. Ҳотам ул пир бирлан видолашиб Ҳуснобод йўлини олди, кўп ранж ва машаққатлар чекиб то ўзини Ҳуснободга олиб, саройга бориб шаҳзода Мунирни кўрди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бу кечани ўткардилар. Малика эшитиб дояни юборди. Доя Ҳотамни таклиф қилиб кетди. Ҳотам шаҳзода Мунир бирлан маликанинг меҳмонхонасига бордилар, бир кеча-кундуз меҳмон бўлдилар. Ҳотам воқеотларни дафибар айлаб дояга берди, доя маликага еткурди. Малика номани ўқиб эҳсон ва офаринлар айлади. Доя айди, эй ўғлим энди учинчи саволға тайёр бўлиб туринг. Малика амри нечук бўлғай — деб, буларни огоҳ айлаб саройга узатди. Ҳотам бирлан шаҳзода мунир бул кечани саройда ўткардилар. Эрта билан маликанинг дояси бир дастурхон ясаб, азбаройи нонушта деб, бир ҳамён накдина бирлан икки дона қимматбаҳо зумрад устида бир хатдур, йўл ҳаржи бўлсин — деб, малика паёмини еткуриб. Ҳотам бирлан хушлашиб кетди. Ҳотам ул иноятномани очиб, мутолаа айлади. Аввал ҳамду худованди таоллони айтиб арз айлабдурки, биёбон саҳрода кўп замонлардин бери бу байтни ўқиб йиғлар, асло тинмас. Байт: «Ҳар киши феъли бадни айлади фош, бўлди ул ўзига ёмон йўлдош». Ул одам нечук ёмон феъл айлабдур, ўзига ёмон бўлибдур. Бу сўзни асли, бу байтнинг маънисидин огоҳ бўлиб келгайлар. Тўртинчи шарт савол ҳам тайёрдур, нома тамом вассалом.

***Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.***




***Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари, куйинишлари зое кетди. Фарзанд дунёга келди: 4,5 килограммлик паҳлавон ўғил. Лекин, афсуски, турмуш ўртоғининг, қайнона-қайнотасининг орзуларини ушалтираман, деб ўз жонини ҳам гаровга қўйган аёл уч фарзанд — 2 қизу 1 ўғилни қолдириб дунёдан кўз юмди. Ота-она, икки қизалоқ бўзлаб қолди, чақалоқ эса она кўкрагини излаб тамшанди... Аёл — она ўлимида ким айбдор? Шифокорларнинг шунча тушунтиришлари, аёлга энди фарзанд кўриш мумкин эмаслиги, унинг оқибати албатта фожиага олиб келиши қайта-қайта айтилиши, турмуш ўртоғи ва қайнона-қайнотасига айтилган гаплар ҳаммаси фойдасиз бўлди. У «Мен эримга ўғил туғиб беришим керак» деди, эр эса қатъий «Менга ўғил керак!» деб туриб олди. Натижада... 25 ёшли аёлнинг ҳаёт гуллари сўнди, бевақт оламдан ўтди.***

— Оналар ўлими — бу ҳомиладорликнинг илк даврларидан бошлаб, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги 42 кун мобайнида бўлган ўлим ҳолати тушунилади, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Марям Содиқова. — Бахтсиз ҳолат ёки тўсатдан ўлим содир бўлиши бунга кирмайди. Бундай бахтсизлик ҳолларининг асосий сабаблари нимада? Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир она ўлими жамиятимиз, оила ва бола учун фожиадир. Бизнинг асосий мақсадларимиздан бири мана шу фожианинг олдини олишдан иборат.

Афсуски, Тошкент шаҳрида ҳам бундай ҳолатлар содир бўлмоқда. Ана шундай фожиали воқеаларнинг олдини олишда бошқармамизда оналар ўлимига сабаб бўлган асосий омиллар — аёллар шифокорлар маслаҳати ва йўлланмасига амал қилмаганлар, яъни туғиши мумкин бўлмаган, туғишга мутлақ қаршилиги бўлган, туғруқлар орасида интергенетик интервал сақланмаганлигидир.

Мисол тариқасида шуни айтишим мумкинки, Чилонзор туманида яшаган ва 15 ёшлигидан юракдаги туғма порок хасталиги билан ҳисобда турган аёл. Туғиш, ҳаттоки ҳомиладор бўлиш унинг соғлиғига жуда катта хавф солган. Шифокорларнинг тушунтиришларига қарамай, бу аёл ҳомиладорликка йўл қўйган ва ҳомиладорликнинг 34 ҳафтасида туғруқ жараёнида вафот қилган. Иккинчи, яъни Собир Раҳимов туманида яшовчи аёл ҳомиладорликнинг сўнгги кунларида шифокорнинг туғруқдан олдинги бўлимга ётиш ҳақидаги тушунтиришларига қулоқ солмай ўз ҳаётига хавф солган. У вилоятда яшовчи онасиникига кетиб қолган ва натижада туғруқ жараёнида бачадоннинг йиртилиши ҳолати билан туғруқхонага келтирилган, кўп қон йўқотган ва оқибати фожиа билан тугади. Агар ана шу аёлларимиз, уларнинг турмуш ўртоқлари, оила аъзолари шифокор маслаҳатига амал қилганида эди, бундай ўта аянчли воқеаларнинг олди олинган бўларди. Энг ачинарлиси эса уларнинг бу ҳолатга тушунган ҳолда йўл қўяётганидир.

Бўлажак оналарни мунтазам тиббий ва психологик-педагогик кўрикдан ўтказиб туриш, ёшларга жинсий ва гигиеник таълим-тарбия бериш, уларни оилага тайёрлаш мақсадида шаҳар диагностика марказида ёш келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказилади. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси оналик ва боласликни тиббий муҳофаза қилиш борасида қатор амалий тадбирлар ўтказиб бормоқда. Маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида, айниқса ҳомиладор аёллар ўртасида тиббиёт ходимлари, тегишли мутахассислар иштирокида туркум суҳбат ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундай учрашувларда аёлларни тиббий саводхонлигини ошириш, қизларни эрта турмушга беришнинг зарарли оқибатлари, экстрагенитал касалликларни вақтида аниқлаб даволаш ва соғлом турмуш тарзи мавзуида суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказилмоқда. Ўйлаймизки, соғлом фарзанд кўрай, болаларимга ўзим бош бўлай деган ҳар бир ота-она ўз соғлиғи ҳақида ҳам вақтида қайғуриши лозим. Агар аёл шифокор назоратидан вақтида ўтиб, ҳомиладорлик даврида унинг маслаҳатларига тўлиқ амал қилса унинг ўзи ҳам, фарзанди ҳам саломат бўлади. Бу борада шифокорлар зиммасида ҳам ғоятда масъулиятли вазифалар мавжуд. Ҳар бир аёлга, айниқса бўлажак онага нафақат тиббий, шу билан бирга маънавий маслаҳат ва ёрдам беришни ҳам унутмаслигимиз даркор. Шуни истардимки, ҳеч бир онанинг ҳаёт гули бевақт сўлмасин, оила бекасиз, фарзанд онасиз қолмасин. Бу борада сиз аёллар ҳам, биз шифокорлар ҳам масъулликни унутмайлик.

Мусоҳаба

## ФАРЗАНД ОНАСИЗ ҚОЛМАСИН

...миз мутахассислари ҳам барча саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Шифокор ўз масъулиятини чуқур ҳис этишини таъминлаш билан бирга ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига бўлган эътиборини ошириш ҳам энг асосий вазифаларимиздандир.

1991 йилда республикамизда оналар ўлимининг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёлларга тиббий хизматни яхши йўлга қўйиш бўйича бир қанча дастурлар ишлаб чиқилди. Президентимиз ҳам «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлисида дастурни ижро этиш жараёнида қаратилиши лозим бўлган устувор йўналишлардан бири ҳомиладорлик ва фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва сақлаш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу, албатта ишимизда дастурламал бўлмоғи лозим. Ҳар йили тиббиёт ходимлари томонидан ўз олдига қўйилган масалаларни бажариш мақсадида 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган туғиш ёшидаги аёллар кўрикдан ўтказилади ва касалликлари аниқланиб, улар соғломлаштирилади ҳамда исталмаган ҳомиладорликнинг олди олинади. Аёл соғлом бўлсагина, соғлом фарзанд кўриш мумкин ва ҳомиладорлик ҳамда туғиш даврида ўлим содир бўлмайди. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аёлларимизнинг 60 фоиздан кўпида турли хил экстрогенитал хасталиклар мавжуд, туғиш ёшидаги аёлларимизнинг 5 фоизга яқини ҳомиладорликка мутлақ қаршилиги бўлган турли хил касалликларга чалинган. Айнан ана шу аёллар туғруқ жараёнида нобуд бўлишлари мумкин.

67 фоиз аёлларимизда ҳомиладорликка нисбатан нисбий қаршилиги бор бўлиб, бундай аёлларни туғруқ жараёни асоратсиз ўтиши учун ҳомиладорлик давригача соғломлаштирилиши лозим, яъни контрацепция воситалари билан таъминлаш керак. Бундан ташқари, олимларимиз томонидан аниқландики, агарда туғруқлар орасида интервал 3-4 йилгача сақланса, туғруқ оптимал — яъни, 20-30 ёш орасида содир бўлса, соғлом туғилади ва она ҳаёти учун юқори хавф туғдирмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахти...

***Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.***

Тадбирлар

## СЎЛИМ ГЎШАДА — «ПАЛОВХОНТЎРА» ТАНЛОВИ

***Яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Югнакий маҳалласининг Қорасув канали атрофидаги «Сой бўйи» қаҳвахонасига шаҳримизнинг барча туманларидаги фаоллар, уруш ҳамда меҳнат фахрийлари ташриф буюришди.***

Шу куни Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Тошкент» студияси ташаббуси билан бу ерда қўш байрам — Қурбон ҳайити ва Наврўз айёми, шунингдек мурувват ўн кунлигига бағишланган «Паловхонтўра» хайрия кўрик-танлови бўлиб ўтди. Йиғилганлар аскиячиларнинг ичакузди ҳангомалари, цирк артистларининг чиқишларини олқишлар билан кутиб олишди. Ғуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳайдаров, Ғиёс Бойтоев, Нуриддин Ҳамроқуловларнинг дилтортар қўшиқлари эса тадбирга ўзгача файз киритди.

— «Паловхонтўра» хайрия кўрик-танловини ташкил этишдан асосий мақсад ошпазларнинг энг мазали миллий таомимизни тайёрлашдаги маҳоратларига яна бир карра тан бериш, ҳақиқий ўзбекона анъаналарни ривожлантиришдир, — дейди Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари Насрулла Абдувалиев. — Энг муҳими, шаҳримизда яна бир ўзига хос миллий қаҳвахона фаолият бошлади. Бу шу атрофдаги маҳаллалар аҳлининг оилавий тантаналарини мазмунли ўтказишлари борасида ҳам муҳим ўрин тутади.

Дарвоқе, шаҳримизнинг Чилонзор, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Сергели, Собир Раҳимов туманидан келган энг моҳир ошпазлар, зўр дид билан мазали ошлар тайёрлаш маҳоратларини намойиш этишди. Албатта, бирибиридан лаззатли паловхонтўраларни баҳолаш ҳакамлар ҳайъати учун ҳам осон кечмади. Мирзо Улуғбек туманидаги «Нур» ошхонасининг ошпазлари Дониёр Азимов ва Талъат Маликовлар танлов ғолиблари бўлишди. Барча ғолиб ва совриндорларга Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирдан сўнг ошпазлар тайёрлаган мазали таомлар шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларига тарқатилди.

***Дилшод ИСРОИЛОВ.***



*СУРАТДА: «Паловхонтўра» кўрик-танловидан лавҳа.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

Шанбадан шанбагача: мунажжим тавсиялари

## ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

◆ **18 март — шанба (Ойнинг 12/13 куни).** Бу кеча-кундузнинг ахборот-энергетика таркиби янги хабарлар, билим олиш учун қулай. Ҳамкорликдаги ҳар қандай ҳаракатлар ва ташаббуслар муваффақият келтиради. Шу куни ёлғиз қолмасликка ҳаракат қилинг. Жамоа орасида бўлишни талаб этадиган ишларни бажаринг. Шунингдек, бу кун шартнома ва битимлар тузиш учун ҳам қулай ҳисобланади.

Қонни тозалашга қаратилган муолажалар тавсия этилади.

◆ **19 март — якшанба (Ойнинг 13/14 куни).** Ҳар қандай муҳим ишни бошлаш учун бу кун жуда омадли бўлади. Бошлаган ҳар қандай ишингиз ажойиб натижа билан якунланади. Кутилмаган юрак сиқилиши, безовталик, қандайдир хавотирлик босиб келиши мумкин. Бундай кўнгилсиз ҳиссиётларни миянгиздан қувиб чиқаринг. Акс ҳолда улар сизни анча вақтгача таъқиб этиши мумкин. Агар диққинафаслик сизни тарк этмаса — катта жисмоний куч-қувват талаб этадиган иш билан шуғулланинг — шунда ҳаммаси ўз-ўзидан ўтиб кетади.

Тери-таносил хасталикларини даволаш, косметик муолажалар, игна қўйиш яхши самара беради. Овқат ҳазм қилиш аъзолари нозиклашади.

◆ **20 март — душанба (Ойнинг 14-15 куни).** Бу кеча-кундузда Ойнинг таъсир кучи анча оғир бўлади. Одам танбалликка мойил бўлади, таъсирчан бўлиб қолади, аксарият ёт ва ҳалокатли таъсирларга берилувчанлик кузатилади. Ўз хатти-ҳаракатларингизни қаттиқ назорат қилиб боришга интилинг. Бу кунни холироқ жойда ўтказганингиз маъқул.

Жағ-юз ва пластик операциялар ўтказиш яхши самарали бўлади. Қорин бўшлиғида жарроҳлик муолажалари тавсия этилмайди.

Тушларингиз ўнгидан келади, шунинг учун уларни яхшилаб эслаб қолишга интилинг.

◆ **21 март — сешанба (Ойнинг 15/16 куни).** Бу кеча-кундузда Ойнинг таъсир кучи табиат билан ҳамоҳанг бўлади. Энг осойишта кунлардан бири бўлади бу кун. Мусиқани баланд қўйиш, ёмон хатти-ҳаракатлар қилиш, одамларнинг ғашига тегишдан тийилинг. Атрофдаги тинч-осойишталикка рахна солиш бу ишни қилганлар учун ҳалокатли бўлишини унутманг. Уй-рўзғор ишлари билан, айниқса, ҳовли-жойларни тозалаш билан машғул бўлиш фойдали.

Умумий саломатлигингиз ёмонлашиши мумкин. Юракни зўриқтирувчи оғир ишларни қилманг.

Редиска, турп, шолғом, лавлагини экиш мумкин.

◆ **22 март — чоршанба (Ойнинг 16/17 куни).** Шу кеча-кундузнинг ахборот-энергетика таркиби атроф-муҳитга ғоят ҳамоҳанг бўлади. Бу куннинг тинч ва осойишталигини бузишга интила кўрманг. Баланд овозда гаплашиш, бировлар билан баҳслашиш ярамайди. Покланиш билан боғлиқ ишларни — полларни артиш, кир ювиш, уйни бошдан-оёқ кўтариш ишларини бажариш фойдали бўлади. Мўмин-қобил, камтарин бўлишга интилинг, мансаб йўлидаги ортиқча интилишларингизни бир чеккага суриб туринг.

Юқори нафас олиш йўллари ва ўпкани даволаш тавсия этилади.

Тушларингиз асаблар таранглигини бўшаштиради, ҳатто баъзи хасталиклардан халос этиши мумкин.

Лавлаги ва пиёз уруғини сепиш мумкин. Бу ишни 23 ҳамда 24 март кунлари бажарсангиз ҳам бўлади.

◆ **23 март — пайшанба (Ойнинг 17/18 куни).** Агар диққат билан назар солсангиз — атроф дунё худди кўзгудагидек сизнинг асл моҳиятингизни кўрсатиб беради. Мабодо, сизни мақташса — бемалол ғурурланишингиз мумкин — Сиз шундай таҳсинга лойиқсиз. Агар бирор ёқимсиз гап эшитиб қолсангиз ҳам — жаҳлингиз чиқмасин — зеро, бу фикр ҳам ҳақиқатни билдиради. Ойнинг шу кунги таъсир кучи одамни дангаса қилиб қўяди. Хавотирланадиган жойи йўқ — яхшиси, дам олиб, ўз-ўзингиз ҳақингизда, ҳаётингиз тўғрисида мушоҳада юритинг.

Шу куни айниқса, ошқозон ва жигар заифлашади. Овқатлар тановвулида эҳтиётроқ бўлинг, яхшиси — парҳезга риоя этинг.

Тушларингиз башоратли бўлиб, ўзингиз ҳам кўпинча ўйламаган нарсаларингиз ҳақида хабар беради.

◆ **24 март — жума (Ойнинг 18/19 куни).** Бу кеча-кундузги Ойнинг таъсир кучи инсон учун ноқулай бўлади. Хатога йўл қўйманг ва бировнинг таъсирига тушиб қолманг. Бу кун ҳеч ким билан мулоқот қилманг, агар иложи бўлса — телефон қўнғироғига ҳам жавоб қилманг. Хаёлни (яна ҳам яхшироғи — масжидда) қилган гуноҳларингиздан тавба қилинг, хафа қилган одамларингиздан узр сўранг.

Шамоллаш ва юқумли хасталикларнинг зўрайиши эҳтимоли бор.

**Муҳтабар АҲМЕДОВА тайёрлаган.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

• **АСПИРИН**ни немис кимёгари Феликс Хорман ишлаб чиққан. Аспирин 90 ёшдан ошди. Россияда уни А. П. Чехов оммалаштирган эди. Ўзининг шифобахш умри давомида иссиқлик туширувчи бу дорининг янги-янги хоссалари кашф қилинган.

Ҳозир инсоният йилига 100 миллиард дона аспирин таблеткасини турли усулда ва номда истеъмол қиларкан.

• **ҲАЙВОНОТ БОҒИ.** Сайёрамиздаги энг қадимий ҳайвонот боғи эрамиздан аввалги I асрда Рим императори Август буйруғи билан ташкил этилган. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келтирилган 3500 жонивор яшаган.

• **БИР ДАВЛАТДАГИ ЮЗ ХИЛ ЙИЛНОМА.** Ҳиндистонда юзга яқин турли йилномалардан фойдаланишади. Деярли ҳар бир штатнинг вақтни ҳисоблашда ўз ҳисоб-китоби бор. Уларда йилнинг бошланишидан тортиб, кунлар, ойларнинг номланиши ҳам турлича. Ягона йилномани яратишга эса асрлар оша анъана бўлиб қолган одатлар йўл қўймаётир.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.**

*Бўш вақтингизда*

## Бошқотирма

**Бўйига:** 1. Мусулмонларда муқаддас деб ҳисобланадиган жой. 2. Муҳаммад ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат муқаддас манба. 4. Ислом тақвимида ҳафтанинг охири, улуғ куни. 5. Ислом анъанасида мусулмон қўшинлари қўлга туширган ўлжаларнинг бешдан бир қисми. 6. Масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс. 8. VIII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда Араб ҳалифалиги ҳукмронлигига ва ислом динининг киритилишига қарши халқ ҳаракатининг бошлиғи. 9. Исломнинг беш асосий рукнларидан бири. 10. Ислом динида Оллоҳ сифатларидан бири. 13. Илоҳий кучлардан кўрсатма олган, деб эътиқод қилинадиган шахсларнинг умумий номи. 14. Ислом динида «нариги дунё» ҳақидаги тушунча. 19. Ҳижрий йил ҳисобининг муқаддас ойи. 20. Ҳадисларни тўплаш ва тартибга солиш билан шуғулланган йирик илоҳиётчи, муҳаддис. 23. Диний тасаввурларга кўра инсоннинг руҳий моҳияти. 24. Муқаддас зот. 26. Илтифот, олижаноблик. 27. Афсонавий пайғамбар. 28. Шиаларда ўтказиладиган мотом маросимлари кунлари. 29. Мусулмонлар орасида тарқалган диний тасаввурга кўра инсон руҳи.

**ЭНИГА:** 3. Ислом диний ҳуқуқ системаси. 7. «Қуръон»да тўрт бош фариштанинг умумий номи. 11. Ислом илоҳиётида бирор ишга худодан ривож тилаш, оқ фотиҳа бериш. 12. Хайр-эҳсон. 15. Исломга хос, бажарилиши фарз ҳисобланган ибодат шакли. 16. Турмуш қуришнинг исломга хос диний шакли. 17. Ислом дини тарқалган мамлакатларда билимдон кишилар, уламолар унвони. 18. Аҳолисининг 65 фоиздан кўпроғи мусулмонлар ташкил қилган Африкадаги давлат. 21. Ислом илоҳиётининг илк шакли. 22. Суфийлар киядиган, ўзбеклар орасида жанда деб аталган устки кийим. 25. Исломда тўрт бош фариштадан бири, диний ақидага кўра жон олувчи фаришта. 27. Масжид ва мадрасалар ёнида ёки уларга туташ қурилган бино, иншоот. 30. Кўп динларда учрайдиган оловга топиниш маросими иштирокчиси. 31. Макка шаҳри шарқидаги тепалиқ номи.

**Чайнворд:**

1. Бир йилда икки бор нишонланадиган байрам.

2. Рамазон ойи давомида ўқиладиган намоз.

3. Ислом мифологиясидаги афсонавий шахс.

4. Исломнинг «дин асослари»га кирган бешта маросим талабларидан бири. 5. Мусулмонларда янги туғилган болага исм қўйиш муносабати билан ўтказиладиган маросим. 6. Намоз вақтини эълон қилиш ва унга даъват этиш. 7. Ўзларини Муҳаммад авлодларидан деб ҳисоблайдиган сайидлар жамоаларининг етакчилари лавозими. 8. Афсоналарга асосланиб, келажак ҳодисаларини олдиндан айтиш.

***Тузувчи Шавкат ҲИДОЯТОВ.***



**ГАЗЕТАНИНГ 10 МАРТ СОНИДА ЧИҚҚАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Диагонал бўйича:** 1. Лавҳа. 2. Чангқовуз. 3. Қорасарой. 4. Помир. 5. Уганда. 6. Оҳангарон. 7. «Ҳиндистон». 8. Сандал. 9. Монако. 10. Мавсум. 11. Булоқ. 12. Равоқ. 13. Уламо. 14. Довот. 15. Воҳидов. 16. Адмирал. 17. Сепаратор. 18. Келес. 19. Кулол. 20. Жавзо. 21. Патир. 22. Самарқанд. 23. Пергамент. 24. Узанги. 25. «Арарат». 26. Билагузук. 27. Окаяма. 28. Заққум. 29. Тонна. 30. Унгур.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. «Хамса». 2. Ўктам. 3. Фард. 4. «Широқ». 5. Жамбул. 6. Достон.

**ҲИКМАТ:**

*Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,*
*Сокинлик ила қамиш ўлур қанд.*

